

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 29 май чоршанба

Сотувда эркин нархда

№ 113 (2941)


## ЁШ МАТЕМАТИКЛАРИМИЗ — ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Шу йил 21-25 май кунлари Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида ўқувчиларнинг математик лойиҳалар бўйича халқаро танловида Ўзбекистон вакиллари муносиб иштирок этди. Жаҳоннинг ўттиз мамлакатидан келган 86 нафар йигит-қиз орасида АҚШ, Австралия, Германия, Руминия, Туркия, Россия, Украина, Грузия сингари давлатлардан ўқувчилар бор эди.

Танловда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги 32-ўрта мактаб ўқувчиси Рустам Султонов олтин, пойтахтимиздаги 191-мактаб вакили Адолат Сатимова эса бронза медалга сазовор бўлди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида ўтказилган тантанали маросимда ғолибларга эсдалик совғалари топширилди. Энди улар мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига тест синовларисиз қабул қилинади.

**Ҳулкар СОДИҚОВА,**
**ЎзА мухбири.**





# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 май куни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Қуролли кучлар бўйича қўмитасининг Ҳарбий таъминот бўйича ички қўмитаси раиси Курт Вэлдон раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов ўзининг шу йил март ойида АҚШга буюрган ташрифи чоғида ўтказилган учрашувлар икки томонлама муносабатлар жадал ривожланаётганининг яна бир тасдиғи бўлганини, ўзаро мулоқотларнинг изчил давом этаётгани эса мамлакатларимизнинг ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга интилиши кучлилигидан далолат эканини таъкидлади.

АҚШ Конгрессининг мазкур делегацияси раҳбари Ўзбекистон — Америка савдо палатасининг Вашингтонда бўлиб ўтган мажлисида қатнашиб, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича нутқ сўзлаган эди. Конгрессменларнинг бундай тадбирлардаги фаол иштироки АҚШ қонун чиқарувчиларининг Ўзбекистонга алоҳида эътиборидан далолатдир.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

***Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги АҚШнинг Таълим ва тил ўрганиш жамияти — АКСЕЛС билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, талай янги ўқув дастурлари яратилди.***

## ИЛҒОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ана шулардан бири инглиз тилини аъло даражада ўқитишга қаратилган. У бир неча босқичдан иборат бўлиб, инглиз тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш, рағбатлантириш, илғор ўқитиш услубларини жорий этишдан иборат. Дастур доирасида шу йил 15 июнда юртимизнинг энг илғор ўқитувчилари АҚШнинг Калифорния университетида ташкил этиладиган касбий малака ошириш халқаро семинарида иштирок этади.

Шу муносабат билан республика Таълим марказида инглиз тили ўқитувчиларининг Халқ таълими вазирлиги ҳамда АКСЕЛС мутахассислари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда ўтказилажак халқаро семинарнинг мақсад ва вазифалари, иш режаси хусусида маълумот берилди. Эътиборли томони, ўзбекистонлик ўқитувчилар АҚШда хорижлик ҳамкасблари билан тажриба алмашиш баробарида юртимизда таълимга жорий этилаётган илғор педагогик технологиялар, янгича ўқитиш услублари тақдимотини ҳам ўтказади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## «Наврўз — боқий байрам — 2002» танлови якунланди

***Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси танлов ҳайъати Ватанимиз мустақиллигининг шонли 11 йиллиги арафасида халқимизнинг азалий ва навқирон айёмини гўзал ва бетакрор кўринишларда ифодалаган, истиқлол даври кишилари тафаккурини янгилашдаги унинг бемисл аҳамиятини кўтаринки руҳда тадқиқ ва талқин этган қуйидаги таҳририят ва ижодкорларни***



**«Наврўз — боқий байрам — 2002» танловининг ғолиби деб топди.**

**1. Энг яхши таҳририят:**

**«Қишлоқ ҳаёти» газетаси** — Наврўзи олам мавзусига бағишланган махсус безакли сони ва туркум мақолалари учун.

**2. Энг яхши мақола:**

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА** — «Халқ сўзи» газетасидаги қатор Наврўз тантаналари ва қадриятларини улуғловчи туркум мақолалари учун.

**3. Энг яхши кўрсатув:**

**Фарҳод БОБОЖОНОВ** — «Ёшлар» телеканали орқали намойиш этилган «Бир ўлкаки...» кўрсатувининг Наврўзга бағишланган махсус сони учун.

**4. Энг яхши эшиттириш:**

**Фахриддин АБДУРАҲИМОВ** — Ўзбекистон радиосининг «Мунаввар олам» дастуридаги Наврўзга бағишланган сценарийлари учун.

**5. Энг яхши фото:**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ** — республика газета ва журналларида ёритилган туркум фотолавҳалари учун.

***Таҳририятлардан «Термиз оқшоми» газетаси (Сурхондарё вилояти), «Мийнет байроғи» (Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани) газетаси, журналистлардан Светлана Фролова — («Ташкентская правда»), Мурожон Тўхтаназаров (Андижон «Ёшлар» телерадиокомпанияси), Ҳусан Нишонов («Маърифат» газетаси) рағбатлантирувчи совринларга сазовор бўлдилар.***

*Олий Мажлисда*

## Инсон қадри

### ислоҳотларнинг бош мазмуни

***Мамлакатимизда ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун эканлиги бугун ҳаммамизга аён. Зотан, юртимизда инсон ҳаёти, шаъни ва қадру қиммати ҳар нарсадан баланд туради. Шу билан бирга, йилларни қайсидир ном билан аташ, қандайдир шиорлар остида ўтказиш анъанага айланиб қолганлигининг мазмун моҳиятида ҳам инсон шаъни муқаддас деган мантиқ бор.***

Бу йил Президентимиз ташаббуси билан Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинди. Айни пайтда қарияларни қадрлаш, кексаларнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Уларга моддий, маънавий, тиббий хизмат кўрсатиш бўйича кенг миқёсли тадбирлар белгиланди. Давлат дастури қабул қилинди.

Қарияларни қадрлаш орқали биз, энг аввало, уларнинг жамиятдаги ўрнини, ҳаётий тажрибаси ва бой тафаккурини қадрлаймиз. Кексаларга муносабат орқали биз ўзимизнинг инсоний фазилатларимизни намойиш этамиз. Келгуси авлодларни комил инсон қилиб тарбиялашда уларни ўрнак қилиб кўрсатамиз. Уларнинг изидан боришга даъват этамиз. Қарияларни қадрлаш йилининг ахлоқий, тарбиявий, маънавий ва маърифий мазмуни ана шу билан белгиланади. Кеча Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказган «Қарияларни қадрлаш миллий қадрият сифатида» мавзуидаги илмий-амалий конференциясида ана шулар ҳақида фикр юритилди.

Йиғинда иштирок этган нотиқлар таъкидлаганидек, миллий истиқлол ғоясининг ҳам, миллий истиқлол мафкурасининг ҳам таъсир кучи, мазмун-моҳияти инсонни қадрлаш. У бевосита кекса авлодга муносабат орқали амалга ошиши мумкин. Қарияларни қадрлаш орқали ёшларда Ватанга муҳаббат, она-ерга садоқат, улуғ аждодларга содиқлик ва келажак олдидаги масъуллик ҳиссини кучайтириш, уни янада шакллантириш мумкин бўлади.

**Ф.САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Самарқанд вилоятида ҳар ойнинг сўнгги шанбаси «Мактаблар куни» деб белгилангани соҳада ислоҳотларни жадаллаштириш, таълим мазмундорлигини оширишга ёрдам бермоқда. «Мактаблар куни» муносабати билан Нуробод туманида ўтказилган кўргазмали семинарда ана шу ҳақда сўз борди.***

## НУРОБОДДА «МАКТАБЛАР КУНИ»

Семинарда қатнашган таълим ходимлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, ташкилот ва корхоналар раҳбарлари таълим-тарбия муассасаларининг аҳволи ва фаолияти билан яқиндан танишди. Ижодкор ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижодий ишлари кўргазмасини кўздан кечирди.

Семинарда умумтаълим мактабларининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш борасида вилоятда мавжуд тажриба, ташкилот ва муассасаларнинг бу борадаги ўрни билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Бир гуруҳ илғор ўқитувчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Семинарда вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Уйғун РЎЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Адлия вазирлигида*

## Тадбиркор рўйхатдан ўтмоқчи

### бу борадаги муаммолар ўз ечимини топганми?

***Кеча Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида бўлиб ўтган илмий-амалий конференциянинг асосий эътибори шунга қаратилди. Яъни у «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш муаммолари» мавзуини қамраб олди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-қарори қўлланилиши юзасидан ўзаро фикр алмашилди, қатнашчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб беришди.***

Маълумки, давр тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш, бу борадаги хорижий давлатлар тажрибаларини қўллашни талаб қилаяпти. Йиғилганлар бу ҳақдаям ўз фикрларини билдириб, хўжалик юритувчи субъектларга ном ва статистик кодлар, муҳр ва штамп ясаш учун рухсатномалар бериш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида юзага келаётган муаммолар ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Масалага бугунги кун талабидан келиб чиқиб ёндашилганда, бошқа камчиликлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Хусусан, рўйхатдан ўтказишга масъул бўлган айрим идораларнинг ходимлари турли баҳоналар билан муддатни чўзиб, ортиқча, ноўрин талаблар қўйишдан ҳануз воз кечолмаяптилар. Бўлар-бўлмас маълумотномалар сўраб, сунъий тўсиқлар ўрнатишга уринмоқдалар. Бу ҳол, табиийки, тадбиркорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Конференцияда бу каби камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳам таклифлар билдирилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Режа уддаланди

**Чиноз тумани «кумуш тола» ижодкорлари давлатга пилла топшириш шартномавий режасини бажардилар. Қабул пунктларига 95 тонна сифатли хомашё етказиб берилди. Бу муваффақиятга, айниқса, С. Раҳимов номли, Навоий номли, А. Темур номли ширкат хўжаликлари аъзолари муносиб ҳисса қўшдилар.**

**Туман бош пиллахонаси мудири Абдураҳим Муқимовнинг айтишича, айни пайтда хомашё топшириш давом этмоқда. Пиллакорлар умумий хирмонни 100 тоннага етказишни мўлжалламоқдалар.**

**Ҳосил КАРИМОВ.**

**Бу йил Элликқалъа тумани бўйича 1548 хонадонга 2413 қути ипак қурти уруғи тарқатилганди. «Кумуш тола» ижодкорлари об-ҳаво қийинчиликларига қарамай, қурт боқиш ишларини қатъий агротехника ва зооветеринария талаблари асосида олиб боришди. Натижаси чакки бўлмади. Куни кеча улар қабул пунктларига 113,3 тонна қимматбаҳо хомашё топшириб, зиммаларидаги шартномавий режани бажардилар.**

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Яхшидир аччиқ ҳақиқат*



## ПИЛЛАКОРЛАР ЛАФЗИДА ТУРИБДИ, ХАРИДОР-ЧИ?..

**ёки Марғилон шаҳридаги «Турон шойиси» акционерлик жамиятида шартнома мажбуриятлари ижроси ўлда-жўлда эканлиги хусусида**

Бу йил Фарғона вилоятида пилла мўл бўлди. Буни мутахассислар билан бирга, ҳар бир пиллакор ҳам алоҳида таъкидлаяпти. Меҳнат самараси эса кўзга яққол ташланиб қолди. Май ойининг дастлабки ҳафтасидаёқ Ўзбекистон туманидаги «Соҳибкор» ширкат хўжалигида шартнома режаси ошириб бажарилган бўлса, шу ойнинг ўрталарига келиб, олтиариқликлар вилоятда биринчи бўлиб маррадан ўзишди. Айни кунларда вилоят пиллакорлари 2710 тонналик «кумуш тола» хирмонини тезроқ тиклаш мақсадида барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, пиллакорлар ваъдага вафо қилиб, шартнома мажбуриятларини бандма-банд уддалашга ҳаракат қилмоқдалар. Асосий харидор — «Ўзбек ипаги» уюшмаси таркибига кирувчи пиллани қайта ишловчи корхоналар-чи? Улар ҳам сўзларида собит туришибдими?

Шу мақсадда Марғилон шаҳридаги «Турон шойиси» акционерлик жамиятида шартнома шартларининг бажарилиши билан қизиқдик. Гап шундаки, шу йил 14 февраль куни ушбу акционерлик жамияти ва вилоят «Пилла» акциядорлик жамияти тасарруфидаги Бувайда, Олтиариқ, Фурқат, Тошлоқ, Охунбобоев, Қува, Ёзёвон туманлари бош пиллахоналари ўртасида шартнома имзоланган эди. Мутасаддилар томонидан тасдиқланган бу ҳужжатта биноан, тайёрлов идоралари жамиятга 104,8 тонна хом, 315,7 тонна қуруқ пилла топширишлари, жамият ўз навбатида пиллакорларга ҳар килограмм хом пиллага 680 сўмдан, жами 71 миллион 280 минг сўм, қуруқ пиллага эса 718 миллион 540 минг сўм (ҳар килограммига 2200 сўмдан) маблағ тўлаши лозим эди. Бошқача айтганда, 789 миллион 820 минг (718540+71280) сўм маблағнинг 70 фоизи (503 миллион 989 минг сўми) бўнак тариқасида 1 апрелга қадар пилла етиштирувчи хўжаликлар ҳисобига ўтказилиб, унинг 191 миллион сўми қурт боқувчиларга тарқатилиши шартномада белгиланганди.

Амалда нима бўлди? Таассуфлар билан шуни айтиш керакки, вилоят «Пилла» акциядорлик жамиятидан олинган маълумотга кўра, «Турон шойиси» белгиланган муддатда хўжаликларга бир сўм ҳам бермади. Лекин қайта ишловчилар жорий йилнинг 24 майига қадар Тошлоқ тумани пиллакорларидан 6,6 тонна, охунбобоевликлардан 17,5 тонна, қуваликлардан 23,3 тонна, ёзёвонликлардан 7,1 тонна хом «кумуш тола»ни қабул қилиб олиб, уни ўзларининг пилла қуритиш шоҳобчасига ғамлаб қўйишдан уялмадилар. Ваҳоланки, шартномага биноан, пиллакор маҳсулот топширгач, тегишли маблағнинг яна 20 фоизини олиши зарур эди. Пули тўланмаган ҳосилни қабул қилиб олганлар бу шартни ҳам бажармадилар.

Биз жамият бошқаруви раиси Алижон Йўлдошевдан бунинг сабабини сўраганимизда, «Ҳар ким ўз дардини айтиб йиғлайди» деганларидек, у шундай деб жавоб берди:

— Ўтган йили пиллакорлар бизнинг корхонамиздан 118 миллион 487 минг сўм қарздор бўлиб қолишган. Бундан ташқари, жамоамиз бу йил Бувайда, Охунбобоев, Тошлоқ ва Олтиариқ туманлари пилла етиштирувчиларига 13 миллион 872 минг сўмлик тут кўчатлари, Тошлоқ туманига 6 миллион 300 минг сўмлик ипак қурти уруғи, шунингдек, шартнома имзоланган туманларга 53 миллион 560 минг сўмлик кўмир, қоғоз, бўз мато ва бошқа ашёларни етказиб берди. Қолаверса, Тошлоқ тумани бош пиллахонасига қарашли қурт уруғчилиги заводининг салкам 18 миллион сўм қарзини узишда кўмаклашдик. Буларнинг ҳаммасини ҳисобласак, 210 миллион сўмдан ошади.

— Майли, пиллакорларнинг шунча қарзи ҳам бор, дейлик. Аммо шартномага кўра, «Турон шойиси» томонидан шу йил 1 апрелгача пилла етиштирувчи хўжаликлар ҳисобига бўнак тарзида ўтказиб берилиши лозим бўлган 503 миллион 989 минг сўмдан 210 миллион сўмни чегириб ташласак, уларнинг 293 миллион 989 минг сўм ҳақи қолади-ку? Нега ана шу маблағ ҳам ҳанузгача тўланмади?

— Тўғрисини айтсам, пулимиз йўқ. Банклар кредит бермаяпти... Рақамлар ўжар бўлмайдими, улар ҳар қандай «касаллик»нинг «иситмаси»ни ошкор этади. Биздаги маълумотларда қайд қилинишича, жамиятнинг турли жамғармалар, солиқ идоралари, ташкилот ва корхоналардан бир миллиард 110 миллион сўм қарзи бор эди! Энди ўзингиз айтинг: қулоғига қадар қарзга ботган корхонага кредит беришга қайси бир молиявий муассасанинг қовоғи учиб турибди?

(Давоми 2-бетда).





АЛЛО, СИЗНИ ВАЗИР ЭШИТАДИ!

Муҳтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!

Шу йил 7 июнь куни соат 10.00 дан 12.00 гача Сизлар учун Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Оқилжон ОБИДОВ телефон орқали мулоқот соатлари ўтказади.

Агар Сизни мамлакатимиз Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда ҳукуматнинг шу борадаги қарори қандай бажарилаётганлиги қизиқтирса, умуман, ижтимоий ҳимоя бўйича шахсан вазирдан жавоб олмоқчи бўлсангиз, ўша куни қуйидаги рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг:

(8-371) 139-41-13, 139-41-24.

Мабодо, вазирга берилажак саволларни олдиндан етказмоқчи бўлсангиз, иш кунлари соат 10.00 дан кеч соат 18.00 гача бевосита таҳририятимизга факс орқали (8-371) 133-09-85 йўллашингиз ёки (8-371) 136-07-94 рақамли телефон орқали баён этишингиз мумкин.

БЕВОСИТА МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!

